ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: https://doi.org/10.24411/2181-1385-2021-00160

ЁШЛАР ИЖТИМОИЙЛАШУВИДА АХЛОҚИЙ ҚАДРИЯТЛАРНИНГ ЎРНИ

Шамсия Курултаевна Исмаилова
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги давлат бошқаруви академияси доценти, п.ф.н.
shamsiya2021@mail.ru

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада замонавий ёшлар ахлоқий қадриятларини ўрганиш бўйича ўтказилган ижтимоий сўровнома натижалари келтирилган. Ёшларнинг ахлоқ, оила қадриятлари, замонавийлик тушунчаларига муносабати ижтимоий-педагогик ҳамда психологик жиҳатдан таҳлил қилинган, муайян хулосалар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: ёшлар, ижтимоийлашув жараёни, тадқиқотлар, ахлоқий қадриятлар, шахслараро муносабатлар.

THE ROLE OF MORAL VALUES IN THE SOCIALIZATION OF YOUTH

Shamsiya Kurultayevna Ismailova
The Academy of Public Administration under the President of the Republic of Uzbekistan, Associate Professor, PhD
shamsiya2021@mail.ru

ABSTRACT

This article analyzes the results of a social survey conducted to study the content of moral values of modern youth. Socio-pedagogical and psychological analysis of the attitude of young people to the concepts of morality, family values, modernity, specific conclusions are proposed.

Keywords: The Youth, socialization, research, moral values, interpersonal relationships.

КИРИШ

Кейинги вақтларда инсон омили, шахс муаммоси барчанинг диққат марказида бўлиб қолмоқда. Шахснинг ўзини англаши, жамиятда тутган ўрни, ҳаётий мақсадларини шакллантиришда шахслараро муносабатлар мазмуни

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: https://doi.org/10.24411/2181-1385-2021-00160

олимлар, амалиётчи-психологлар илмий изланишлари асосини ташкил қилаётганлиги бежиз эмас. Айниқса, ёшларни мустақил ҳаётга тайёрлаш, уларга жамиятда муносиб ўринларини топишларида кўмаклашиш масалалари долзарб аҳамият касб этмоқда.[1]

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Ёшлар тарбиясида ахлоқ-одоб масалалари барча даврларда ҳам олимлар, тадқиқотчилар учун долзарб масала бўлиб келган. Педагогик фикрлар тарихидан маълумки, Шарқ уйғониш даври алломалари асарларида шахс камолотида ахлоқий тарбиянинг ўрни ҳақидаги қарашлар алоҳида ўрин эгаллайди.

Абу Нарс Форобий “Фозил одамлар шаҳри” асарида ахлоқий фазилатларни билимлилик, донолик, фаросатлилик, халқ манфаатларини шахсий истаклардан устун қўйиш билан белгилайди. Форобийнинг фикрича, ахлоқ инсоннинг ақлий тафаккури билан боғлиқ. Шу мақсадларда ёшлар ақлий тарбиясига катта эътибор қаратиш лозимлигини таъкидлайди.[3]

Беруний билим олишни ахлоқий тарбия билан боғлайди. Берунийнинг инсон камолотида ахлоқий тарбиянинг мухим эканлиги тўғрисидаги фикрлари “Ўтмиш авлодлардан қолган ёдгорликлар”, “Хиндистон”, “Минералогия”, “Гиодезия” ва бошка асарларида ўз ифодасини топган. [4]

Берунийнинг фикрича, ахлоқ инсон моҳиятини белгиловчи асосий мезонлардан бири ҳисобланади. Ахлоқий сифатлар бевосита жамиятда шахсларнинг ўзаро мулоқоти, меҳнат муносабатларида таркиб топади.

Ибн Синонинг фикрича, ахлоқ кишиларнинг ўзига ва бошқаларга нисабатан хатти - ҳаракати меъёрлари ва қоидаларини ўрганади.[2]

Кайковус “Қобуснома” асарида жувонмардлик ғоясини илгари сурар экан, бунда ёшлар тарбиясида энг муҳими ахлоқ тарбияси эканлигини кўрсатади. У ёшларда одамларга нисбатан инсоний муносабатда бўлиш, адолатлилик, самийлик каби сифатларни шакллантириш лозимлигини таъкидлайди.[10]

Ахлоқий сифатлар талқини ва уларнинг ёшлар хулқ-атворида намоён бўлишида оиланинг, ижтимоий муносабатларнинг ўрни, жамият келажагини белгилаб берувчи омил эканлиги тўғрисидаги фикрлар Ахмад Югнакий, Муслиҳиддин Саъдий, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий ва бошқа кўпгина алломалар асарларида ўз ифодасини топган.[5]

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: https://doi.org/10.24411/2181-1385-2021-00160

Ахлоқ, ахлоқий қадриятлар ва уларнинг шахс ижтимоийлашувидаги аҳмияти замонавий тадқиқотларда ҳам асосий ўринни эгаллайди. Жумладан, К.Хошимов, Ў.Аскарова, Б.Зиёмуҳаммедова, Ш.Абдуллаева, Ж.Йўлдошевлар ўз тадқиқотларида ахлоқ тарбиясининг педагогик муаммоларини ўрганганлар. [6,7,16, 18]. Ахлоқ ва ахлоқий қадриятларнинг фалсафий жиҳатларини Туленов Ж., Қ. Назаров, Г.Туленоваларнинг илмий изланишларида ҳам кузатишимиз мумкин.[14,17] Психологияда ахлоқнинг қадрият сифатида мазмуни С.Л.Рубинштейн, А.Леонтьев, [12,15], ўзбекистонлик олимлар Б. Шоумаров, В.Каримова, Э.Ғозиевлар томонидан ўрганилган.[11,20,21]

Ёшлар тарбияси, уларнинг дунёқараши ва ўзлигини англаши масаласи мамлакат тараққиёти, мустақиллиги, келажагини кафолатловчи муҳим омил ҳисобланади. Айниқса, глобаллашув жараёни хаётимизнинг барча соҳаларини қамраб олаётган шароитда ёшларда ахлоқий қадриятлар тизимини шакллантириш ва ривожлантириш ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади.

Жамиятимизнинг замонавий ижтимоий-иқтисодий ривожланиш йўналишлари ҳар бир шахсдан фаоллик, интеллектуаллик, маънавиятлиликни талаб қилади. Айниқса, ахлоқий қадриятлар шахс маънавиятини, дунёқарашини, ҳаётий позицияларини белгилайди. Ахлоқий қадриятлар кенг ижтимоий, фалсафий, психологик тушунча бўлиб, шахснинг ўзига, жамиятга, атроф-муҳитга, ҳаётий мақсадларига бўлган муносабатларида етакчи омил ҳисобланади.

НАТИЖА

Ахлоқий қадриятларнинг ёшлар ижтимоийлашувига таъсирини ўрганиш мақсадида улар орасида сўровнома ўтказилди. Тадқиқотнинг мақсади ёшлар ижтимоийлашуви жараёнига ахлоқий қадриятлар таъсирини ўрганишдан иборат бўлди.

Тадқиқот вазифалари ёшлар ахлоқий қадриятлари ҳамда уларнинг инсон ахлоқ-одоби тушунчасига муносабатини ўрганишдан иборат бўлди. Шунингдек, ижтимоий қадриятлар ривожланиш динамикасини белгилаш; ёшлар ахлоқий қадриятлар тизимининг жамиятда ўзлигини англашга, ҳаётий мақсадларини белгилашга, ижтимоийлашувига бўлган таъсирини аниқлашдан иборат бўлди.

Ушбу тадқиқот давомида маълумот олишнинг асосий усуллари интервьюлар, сўровномалар, чоп этилган даврий нашрларнинг таркибий

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: https://doi.org/10.24411/2181-1385-2021-00160

таҳлили, шунингдек махсус ташкил этилган семинарларда олинган натижалар ҳисобланади.

Тадқиқот давомида уюшмаган, ўқиётган, ишлаётган, маданият, таълим, соҳасидаги 16 ёшдан 30 ёшгача бўлган ёшлар ўртасида сўровнома, суҳбатлар ўтказилди.

Тадқиқот 10 та саволдан иборат махсус ишлаб чиқилган сўровнома асосида ўтказилди. Ушбу сўровнома Хоразм вилоятида истиқомат қилувчи ёшларнинг ахлоқий қадриятлари тизимини таҳлил қилишга имкон берди.

Тадқиқотда 200 респондент иштирок этди, улардан 64,0% аёллар ва 36,0% эркаклар. Тадқиқот респодентларнинг барча ёш тоифаларини қамраб олди. Фоиз жиҳатидан бу қуйидагича кўринишга эга: 16 -18 ёш -12,0%, 19-24 ёш – 73,6 %, 25-30 ёш -14,4 % бўлган респондентларнинг жавоб натижалари таҳлил қилинди.

Ёш авлоднинг қадриятлар тизимини таҳлил қилишда уларнинг маълумотлилик даражаси муҳим аҳамият касб этди. Респондентлар маълумотлик даражасига кўра:

1. Мактаб ўқувчилари- 12,0 %
2. Ўрта махсус касбий таълим - 18, 4 %.
3. Тугалланмаган олий (талаба) - 55,2%.
4. Олий – 14,4%.

Респондентларнинг ёш таркиби ва маълумот даражаси, оилавий ҳолати каби омилларни ўрганиш уларнинг ҳаётга, қадриятларга бўлган баҳоларининг холис бўлишини таъминлайди.

Ёшларга таклиф қилинган саволлар уларнинг ахлоқий қадриятлар ҳақидаги тасаввур ва тушунчаларини аниқлаштириш, шахсий фикр ва нуқтаи-назарини таҳлил қилиш, мамалакатимизда миллий маънавият ва ахлоқий қадриятларни мустаҳкамлаш борасида олиб борилаётган ишларга муносабатларини ўрганишдан иборат бўлди.

Ёшларнинг қадрият тушунчасига муносабатини аниқлаганимизда 76% респондент урф-одат, анъаналар, миллий маросимлар, инсон учун қадрли бўлган тушунчалар эканлигини, шунингдек, бу шахсий ҳиссиётлар, туйғулар билан боғлиқлигини, қадриятларни ҳурмат қилиш, аждодларимиздан бизгача етиб келганлиги, тарихий мазмун касб этиши ва авлоддан-авлодга ўтиши, уларнинг умрбоқийлиги хақидаги фикрларни билдирганлар; 13% респондент бугунги глобаллашув шароитида қадриятлар мазмунида трансформация юз бераётганлиги ва бу табиий жараён эканлигини кўрсатганлар; 9% респондент

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: https://doi.org/10.24411/2181-1385-2021-00160

қадриятларни асосан халқнинг маиший турмуш тарзида акс этишини билдирганлар; 2% эса моддий қадриятларни ҳаётий мақсадларга эришишда етакчи мезонлиги ҳақида фикр билдирганлар.

Респондентларнинг мамлакатимизда ахлоқий қадриятларни тарғиб қилиш бўйича давлат сиёсатига муносабатини аниқлаганимизда 53% респондент қадриятларнинг тикланишини давлатимизнинг сиёсий мустақиллиги билан боғлаганлар. Ўзбек тилининг давлат тили сифатида мақоминиг мустаҳкамланиши, Наврўз ва бошқа миллий байрамлар, урф-одатлар қайта мазмун касб қилди, тарихий обидаларнинг таъмирланиши, муқаддас қадамжоларнинг обод қилиниши билан боғлиқ, деб кўрсатганлар; 24% - бу борадаги ютуқларни Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсати билан боғлаганлар; 20% ёшлар ахлоқий қадриятлар тарғиботида анъанавий усуллар қўлланилаётганлиги ва бу ўз навбатида аудитория қамровини чеклаши, самарасини пасайтиришини; 3% - жавоб беришга қийналганликларини айтганлар.

Респондентларнинг 82% ахлоқий қадриятлар ёшлар учун муҳим деб кўрсатганлар. Улар ахлоқ тарбияси ўзбек халқи учун азалдан муҳим ҳисобланганлиги, бу ўз навбатида ўзаро ҳурмат, виждонийлик, дўстлик, ғамхўрлик, кийиниш маданияти, муомала, ахлоқ-одоб қоидалари кўринишида намоён бўлганлигини билдирганлар; 18% - юқоридаги фикрларни давом қилдирган холда ахлоқий қадриятлар асосан оилада шакллантирилиши лозимлигини кўрсатганлар. Шу билан бирга ахлоқий қадриятлар инсонни яхшиликка етаклайди, юртимизда олиб борилаётган ислоҳотлар ахлоқий қадриятлар мазмунига қурилганлигини айтганлар. Ахлоқий қадриятлар маънавиятимиз асоси, инсоннинг моҳиятини белгиловчи, шахсга доимо ўзлигини англатиб турувчи мезон деб қараганлар.

Респондентларнинг ахлоқий қадриятларнинг мустаҳкамланишида оила омилига муносабати аниқланди. 92% қатнашувчи бу масалада оила омили муҳимлигини кўрсатган, оилада ота ва она намунаси асосий тарбия ўчоғи эканлигини билдирганлар; 6% респондент таълим муассасаларининг ўрни катта, деган бўлса, 2% ёшлар бирор фикр билдиришга қийналганлар. Оила тарбиясининг аҳамияти шундаки, унинг таъсирида биринчидан, фарзанд мустақил оилавий ҳаётга тайёрланади, ўзига яраша сифат ва фазилатларни шакллантириб боради, иккинчидан, ҳар томонлама тарбияли, ақлли, соғ ва саломат шахс бўлиб етишиш имкониятига эга бўлади. Яъни, оила ва ундаги соғлом маънавий муҳит болани жамиятда яшашга, ўзига ўхшаш шахслар билан

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: https://doi.org/10.24411/2181-1385-2021-00160

муроса қилиш, ҳамкорликда фаолият юритиш, касб-ҳунарли бўлиш, муомалада ахлоқ-одоб қоидаларига бўйсунишга ўргатади, психологик жиҳатдан тайёрлайди.

Оила қанчалик иноқ, уюшган ва мустаҳкам бўлса, унинг бола шахсига таъсири ҳам шунчалик самарали бўлади. Бундай оила ўз қадриятларидан ташқари жамият қонун-қоидалари ва меъёрларини ҳурмат қилади, фарзанд ёшлигидан жамиятда яшашга ўрганади.

Респондентларнинг замонавийлик тушунчасига муносабати ҳам ўрганилди. 67% респондент миллийлик ва замонавийлик уйғун бўлиши, замонавийлик ташқи кўриниш билан белгиланмаслиги, аксинча, ёшларнинг фаоллиги, ташаббускорлиги уларнинг замонавий эканлигини билдиради, деб кўрсатганлар. Шунингдек, 20 % респондент замонавийлик мезони сифатида тенгдошларининг чет тилларини билиши, компьютер технологиялари, давр янгиликлари, ўзгаришлардан бохабарлиги деб ҳисоблаганлар. 13% респондент ўзликни йўқотмаслик, замонавийлик орқасидан қувиб, миллийликни унутмаслик лозимлигини кўрсатганлар, шунингдек, миллийликдан воз кечмаган холда замонавийлашиш керак, деган фикрларни билдирганлар.

Респондентларнинг 76 % ахлоқий қадриятларни тарғиб қилишда оммавий ахборот воситаларининг кўлами ва таъсири беқиёс ва бу имкониялардан тўлиқ, ўз ўрнида фойдаланиш керак, нафақат телевидение, балки ижтимоий тармоқлар имкониятларидан ҳам фойдаланиш керак, лекин бу шароитлардан инобатга олинмаётганлигини билдирганлар; 24% - томонидан юқоридаги фикрларга қўшимча миллий интернет сайтлари яратиш лозим, уларни халқимизнинг азалий урф-одат, анъаналари, маънавиятимиз ютуқлари, аждодларимиз қолдирган бой меросимиз хақидаги маълумотларни бугунги кун билан боғлаган холда ёшлар онгига етказиш, улар дунёқарашига кириб бориш, миллий руҳдаги кинофильмлар яратиш масаласини кўндаланг қўйганлар. Буюк аждодимиз Жалолиддин Мангуберди ҳақида киноэпопея яратиш лозимлиги айтилган.

Бугунги шароитда жамиятда ахлоқий қадриятларни асраб авайлаш ва келгуси авлодларга етказиш учун амалга оширилиши лозим бўлган ишлар хусусида 71% ёшлар ўртасида ахлоқ-одоб масаласига эътиборни кучайтириш, миллий ва умумбашарий қадриятлар тарғиботи таъсирчалигини ошириш, бу масалада оила масъулиятини кучайтириш, таълим муассасалари, турли ташкилотларда тарбиявий мазмундаги тадбирларни ўтказиш, ёшлар фаоллигини таъминлаш, омма орасида тушунтириш ишларини олиб бориш лозимигини билдирганлар; 29 % респондент ҳар бир ёш ўз тарихий

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: https://doi.org/10.24411/2181-1385-2021-00160

илдизларини чуқур билиши, миллий қадриятларга содиқ қолиши, уларни кенг тарғиб қилиши ва келажак авлодга етказишда масъуллигини билдирганлар.

МУҲОКАМА

Олинган натижалар асосида гуруҳ мураббийлари, устозлар ва ота-оналар учун йўриқномалар ишлаб чиқилди. Ушбу йўриқномада қуйидаги масалаларга эътибор қаратилди:

1. Гуруҳ мураббийлари учун талабалар жамоасини шакллантириш, ахлоқий тарбияни тизимли ташкил қилиш, ёшлар билан мулоқот услубларини тўғри танлаш, оила, таълим муассалаларида шахслараро муносабатларда ижобий психологик муҳитни яратиш ва ривожлантириш, ўзаро самимий дўстона ҳамкорликни юзага келтириш, ижтимоий сўровномалар ўтказиш орқали ёшларнинг ахлоқ-одоб масалаларига муносабатларини аниқлаб бориш масалаларига эътибор қаратилди.

2.Устозлар учун мутахассис шахсини тарбиялаш, уларда илмий-ижодий қобилиятни ривожлантириш, касбий ахлоқни шакллантириш, самарали таълимий фаолиятини йўлга қўйиш муаммоларига эътибор қаратилди.

3.Ота-оналар учун фарзанд тарбияси муаммолари, оилада шахслараро муомала маданияти, ўғил ва қиз бола одоби, оилавий қадриятлар тизими хусусиятлари, соғлом маънавий муҳитни таркиб топтириш, миллий менталитет омили масалаларига ўрин ажратилди.

4. Таълим муассасалари педагоглари учун ёшларни фаоллаштириш, ижтимоий фойдали меҳнатга жалб қилиш, уларда Ватанпарварлик, масъулиятлилик, ўз имкониятларига ишонч, келажакни аниқ кўра билиш, ҳаётий мақсадларни тўғри шакллантиришга кўмаклашиш, ахлоқий қадриятларни таркиб топтиришда ёш ва шахсий-психологик хусусиятларини инобатга олиш, ижтимоий фаолликни тарбиялаш масалалари эътиборга олинди.

ХУЛОСА

Ёшлар ижтимоийлашувида ахлоқий қадриятларнинг ўрни катта. Жамият ривожланиши билан авлодларнинг ахлоқ-одоб муаммоларига муносабати ўзга ча мазмун касб этади. Ҳар бир даврнинг ҳам ахлоқ-одоб масалаларида ўз идеали мавжуд бўлгани каби, айрим мезонлар инсонларнинг ҳаёт тарзи, ўзига, жамиятга муносабати ўзгаришидан келиб чиқиб, инсонлар дунёқараши, мақсадларига таъсир қилиши табиий жараён ҳисобланади. Шундай экан,

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: https://doi.org/10.24411/2181-1385-2021-00160

ахлоқий қадриятлар муайян халқнинг инсонийлик ҳақидаги меъёрлари билан боғлиқ ҳолда миллий менталитет моҳиятида ўз ифодасини топади. Бироқ давр ўзгариши, жамият тараққиёти билан боғлиқ холда ахлоқий қадриятлар ижтимоий ходиса сифатида динамик жараён сифатида намоён бўлиши ҳақида хулоса қилишимиз мумкин. Бу эса ўз навбатида ота-оналар ва педагоглар ҳамкорлигини, таълим ва тарбия жараёнларида тизимли равишда ижтимоий тадқиқотларни олиб боришни ва ёшлар дунёқараши, ахлоқий қадриятлари мазмунидаги ўзгаришларни, шахсий-психологик хусусиятларни инобатга олишни талаб қилади.

REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2020 йил 29 декабрда Ўзбекистон халқига, Олий Мажлиснинг Сенати ва Қонунчилик палатасига Мурожаатномаси.-Тошкент, 2020 йил.
2. Абу Али ибн Сино. Ҳикматлар. Тошкент, “Ўзбекистон”, 1980.
3. Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри. Масъул муҳаррир М.М.Хайруллаев. - Тошкент, “Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти”, 1993.
4. Абу Райхон Беруний. Танланган асарлар. 1 жилд, Тошкент 1968.
5. Алишер Навоий. Маҳбуб-ул-Қулуб. Тошкент, “Ўқитувчи”, 1996.
6. Аскарова Ў. Педагогикадан амалий машқлар ва масалалар.- Тошкент, “Истиқлол”, 2005
7. Жумабоев Й. Ҳаёт мазмуни ва комил инсон муаммоси.- Тошкент, “Фан”, 1997.
8. Зиёмуҳаммедова Б., Абдуллаева Ш. Педагогика.- Тошкент, “Ўзбек миллий энциклопедияси” нашриёти, 2000.
9. Йўлдошев Ж.Ғ. Ўқувчи маънавиятини шакллантириш.- Тошкент, “Маърифат-мададкор”, 2001.
10. Кайковус. Қобуснома. - Тошкент, 2010.
11. Каримова В. Ижтимоий психология.- Тошкент, “Фан ва технология”, 2012.
12. Леонтьев А.Н. Деятельность. Сознание. Личность.- Москва, «Просвещение», 1977.
13. Мунавваров А.Қ. Оила педагогикаси.- Тошкент, “Ўқитувчи”, 1996.
14. Назаров Қ. Қадриятлар фалсафаси (аксиология). Тошкент, Файласуфлар миллий жамияти, 2004.
15. Рубинштейн С.Л. Основы общей психологии. СПб: Питер, 2007.
16. Турсунов С., Нишоналиев Б. Педагогика.- Тошкент, “Ўқитувчи”, 1996.
17. Туленов Ж. Фалсафа.-Тошкент, “Ўзбекистон”, 1993.
18. Хошимов К., Сафо Очил.- Ўзбек педагогикаси антологияси. – Тошкент, “Ўқитувчи”, 2000.
19. Хасанбоева О. Педагогика тарихидан хрестоматия.- Тошкент, “Ўқитувчи”, 1993.
20. Шоумаров Ғ.Б.Оила психологияси.- Тошкент, 1998.
21. Ғозиев Э.Умумий психология.-Тошкент “Университет”, 2002.